

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 791-ҳадис

791 - وَعَنْ أُمّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الَّذِي يَشْرُبُ فِي آنِيَةِ الْفِضَّةِ إِنَّمَا يُجْرِحُ فِي بَطْنِهِ نَارَ جَهَنَّمَ». مُتَّقِّ عَلَيْهِ [خ 5634، م 2065].

وَفِي رِوَايَةِ لِمُسْلِمٍ: «إِنَّ الَّذِي يَأْكُلُ أَوْ يَشْرُبُ فِي آنِيَةِ الْفِضَّةِ وَالذَّهَبِ» [2065].

وَفِي رِوَايَةِ لَهُ: «مَنْ شَرَبَ فِي إِنَاءٍ مِنْ ذَهَبٍ أَوْ فِضَّةٍ فَإِنَّمَا يُجْرِحُ فِي بَطْنِهِ نَارًا مِنْ جَهَنَّمَ» [2065/2].

791. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кумуш идишларда ичаётган одам қорнида жаҳаннамнинг оловини қулқуллатган бўлади», дедилар.

Муттрафақун алайҳ.

Ином Муслимнинг ривоятида: «**Тилла ва кумуш идишда ичувчи ва овқатланувчилар...**» бўлиб келган.

Ином Муслимнинг бошқа ривоятида: «**Ким тилла ёки кумуш идишда (сув) ичса, қорнида дўзах оловини қулқуллатади**», дейилган.

Шарҳ: Уламо аҳли ичимликларни ичиш одоби ва унга боғлиқ барча далил ва хужжатларни синчиклаб ўрганиб чиққанларидан кейин жумладан қуидаги мулоҳазаларни айтганлар;

1. Ҳаромлигига далил қоим бўлмаган барча ичимликларни ичмоқ жоиздир.

2. Инсоннинг ўзи ёки баъзи аъзоси ҳалок бўлишини олдини олишга ва вожиб амалларни адо этишга зарур бўлган ичимликни ичиш вожибdir.
3. Ҳожатини қондирадиган ва чанқоғини қондирадиган даражада ичиш мандубdir.
4. Ҳожатидан зиёда ичиш гоҳида макрух, гоҳида ҳаром бўлади.
5. Ичимлик ичишдан олдин «бисмиллаҳи»ни айтилади.
6. Ўнг қўл билан ичилади.
7. Уч марта бўлиб-бўлиб нафас олиб ичилади.
8. Идишнинг ичига нафасини урмайди.
9. Ўтирган ҳолда ичади.
10. Сувни симириб ичади.
11. Ўта тўйиб кетадиган даражада ичмайди.
12. Сув идишнинг оғзидан ичмайди.
13. Идишнинг учган жойидан ҳам ичмайди.
14. Ичимликни ичиб бўлганидан кейин ҳамд айтади.
15. Сувни ичиб бўлган одам бошқа кишига бермоқчи бўлса, ўнг тарафидаги одамга узатади.
16. Тилло ва кумуш идишларда таом еб, ичимлик ичиб бўлмайди.

Шу ерга келганда «Риёзус солиҳийн шарҳи» китобининг иккинчи қисми тугади.

Манба: hadis.islom.uz



